ЯНГИ ХИЗМАТ ВА ТУШУНЧА: ФОРЕНЗИК АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ–МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ



Баракаев Отабек Отақулович,
PhD, Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг Аудит услубиёти ва
аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи
назоратдан ўтказиш бўлими бошлиғи,
E-mail: obarakaev@mf.uz

Аннотация: Иқтисодий жиноятларнинг шу жумладан молиявий фирибгарликлар сони ва кўлами ортиб бораётган бир шароитда ушбу жиноятларни аниқлашга қаратилган форензик хизмати долзарб бўлиб бормоқда. Мазкур тадқиқот ишида аудиторлик ва эксперт-таҳлилий хизматлар бозори учун янги тушунча – "форензик" учун берилган таърифлар таҳлил қилинади, янги хизматнинг норматив-хуқуқий тартибга солиш масалалари кўриб чиқилади. Аудиторлик текшируви, тафтиш, экспертиза ва форензикнинг қиёсий тавсифлари берилган, форензикни эксперт-таҳлил хизматларининг бошқа турларидан ажратиб турадиган асосий белгилари аниқлаштирилган. Ўзбекистонда форензик аудит, норматив-хуқуқий асослари ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: форензик, таърифни таҳлил қилиш, аудит, экспертиза, норматив тартибга солиш.

Abstract: In a situation where the number and scale of economic crimes, including financial fraud, is increasing, the forensic service aimed at identifying these crimes is becoming relevant. In this research work, the definitions given for the new concept of "forensic" for the market of audit and expert-analytical services are analyzed, and the issues of regulatory and legal regulation of the new service are considered. Comparative descriptions of auditing, inspection, expertise and forensics are given, the main features that distinguish forensics from other types of expert analysis services are clarified. Forensic audit in Uzbekistan, normative-legal bases and proposals are presented.

Key words: forensics, definition analysis, audit, expertise, normative regulation.

Кириш

Сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб бизнес ва давлат идораларида фирибгарлик амалиётлари кучайиши натижасида форензик аудит хизматига талаб ортиб бормоқда. Кўпинча корпоратив дунёни деярли ютиб юборадиган фирибгарлик таназзулликларга Enron, Arthur Anderson ва WorldComнинг ҳолатлари келтирилади [19]. Шунингдек, PWC аудиторлик компаниясининг мазкур йўналишда олиб бораётган тадқиқотлари ҳам буни тасдиқлайди. Мазкур тадқиқотга мувофиқ умуман олганда, таъминот занжири муаммолари, экологик ва геосиёсий беқарорлик, ноаниқ иқтисодиёт, малакали ходимлар етишмаслиги ва кўплаб юзага келаётган рискларга қарамай, фирибгарлик, коррупция ва иқтисодий жиноятлар даражаси 2018 йилдан бери ўсмаганини кўрсатмоқда. Ташкилотларнинг ярмидан озроғи (46 фоизи) сўнгги 24 ой ичида фирибгарлик ёки бошқа иқтисодий жиноятларга дуч келганини маълум қилган [20].

Бу ҳолатлар форензик аудитга бўлган эътиборни кучайтирди. Форензик аудит суриштирув аудити, криминология, суд ишларини юритиш хизматлари ва фирибгарликни аниқлаш учун молиявий кўникмаларни умумлаштириш ва мослаштириш сифатида қаралади.

Фирибгарлик ва моддий ёки интеллектуал мулкни ўғирлаш катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу боис молиявий жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва текшириш, ҳуқуқбузарликларга зудлик билан чора кўриш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек, тўхтовсиз молиявий фирибгарлик ва унинг корпоратив фаолиятига таъсири назорат функциясини такомиллаштириш ва корпоратив бошқарувни таъминлаш умумий мақсади билан корпоратив бошқарувда акциядорлар ва бошқа бозор иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўп қиррали муносабатлар (яъни аудит қўмитаси, ташқи аудитор ва менежмент ўртасидаги ўзаро муносабатлар) заруратини келтириб чиқарди.

Иқтисодий соҳада кузатилаётган жиноятларнинг ўсиши фирибгарлик фаолиятини аниқлаш, хабардор қилиш ва олдини олишга қаратилган янги хизматга эҳтиёж туғилмоқда. Бугунги кунда иқтисодий жиноятларнинг айрим турларини аниқлашда аудиторлик каби хизматлари мавжуд бўлсада, лекин иқтисодий жиноятларнинг тўлалигича комплекс қамраб олмайди. Бунинг сабаби, аудиторлик текширувида танлаб аудит ўтказилади ҳамда аудитнинг мақсади бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида фикр билдиришдир. Шу муносабат билан экспертлик ва аудиторлик хизматлари соҳасида янги фаолият – **форензик** фаол ривожланмоқда.

Форензик молиявий жиноятларни тергов қилишга қаратилган, хорижда ҳам Ўзбекистонда ҳам янги ва етарлича ўрганилмаган ҳодисадир. Хорижий ҳамда маҳаллий адабиётларни кўриб чиқиш давомида мазкур тушунчанинг аниқ таърифи йўқлигини, форензик хизматининг моҳияти ва уни тақдим этиш йўналиши бўйича турли нуқтаи назарларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари, адабиётларда форензик ва эксперт-таҳлилий фаолиятнинг бошқа турларини ажратиб турадиган чегаралар мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экспертлик ва аудиторлик фаолиятининг янги йўналишини ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатдан долзарб эканлигини кўриш мумкин.

Материал ва метод

Форензик – янги фаолият (хизмат) тури бўлиб, унинг пайдо бўлиши суд-бухгалтерия экспертизасининг ривожланиши билан боғлиқ.

“Форензик” тушунчаси инглизча “forensic” сўзидан келиб чиққан бўлиб, уни сўзма-сўз таржима қилганда “суд” ёки “суд-экспертизаси” деб таржима қилиш мумкин.

Форензик хизматининг пайдо бўлиши ва ривожланишига доир бир қанча қарашлар мавжуд. Singletonнинг таъкидлашича, форензик бухгалтерия энг қадимги касблардан бири бўлиб, Мисрликларга бориб тақалади. Подшоҳнинг “кўзлари ва қулоқлари” асосан фиръавннинг дон, олтин ва бошқа мол-мулкнинг инвентаризациясини кузатувчи шахс сифатида форензик ҳисобчиси бўлиб хизмат қилган.

Бир қатор муаллифларнинг фикрича, дунёда форензикнинг пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароитлар ҳақида XIX асрда Испанияда Pedro Antonio Alarcon асарида учраган [18]. Бошқа муаллифларнинг таъкидлашича, форензик биринчи марта XX асрда АҚШда, Марказий разведка бошқармаси (МРБ), Федерал тергов бюроси (ФТБ) ва Миллий хавфсизлик агентлиги (МХА)нинг собиқ ходимлари корпоратив можароларда уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизматлар кўрсатиш

учун бирлашганда пайдо бўлган [15]. Яна бир нуқтаи назар, форензикдан биринчи марта фойдаланиш канадалик мутахассисларга тегишли эканлигига асосланишга қаратилган бўлиб, улар 1817 йилда Steftona Meyerга қарши банкротлик тўғрисидаги ишда “форензик бухгалтерия ҳисоби” иборасини ишлатганлар [30]. Форензик усулларидан фойдаланиш факти XVIII асрда Шотландияда ҳам қайд этилган, бу ҳақда америкалик олим ўзининг “Introduction to Forensic and Investigative Accounting” асарида келтириб ўтган [13].

Форензик атамасидан фойдаланиш 1946 йилда E.Morris Peloubet томонидан муомалага расман киритилган пайтдан бошланади [27]. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки 1991 йиллардан бошлаб бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда суд экспертиза соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан мазкур тушунча мазмунан амалда қисман ўз аксини топган. Форензик атамаси эса 2021 йилдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5171-сон, 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-43-сон, 2022 йил 14 июлдаги “2022-2030 йилларда “Навоийуран” давлат корхонасида уранни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда уни трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-319-сон қарорларида **“форензик”** атамаси қўлланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги “Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 18-сон қарорида ҳам илк бор **“форензик”** тушунчасидан фойдаланилган [34].

Кўриниб турганидек, Ўзбекистонда бугунги кунда мазкур тушунча давлат секторида ёки давлат харидлари тизими билан боғлиқ ҳужжатларда баён этилган. Ўзбекистонда форензик хизмати билан бугунги кунда асосан “Катта тўртлик” компаниялари (KPMG, EY, Deloitte, PwC) томонидан таклиф қилинса, бу хизматга чет элда кўпроқ эҳтиёж мавжуд.

Хорижий илмий адабиётларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, “форензик” тушунчасининг аниқ ва тўлиқ таърифи ҳали мавжуд эмас, шунинг учун ҳар бир муаллиф кўриб чиқилаётган тушунчанинг айрим жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз таърифини таклиф қилган. Хорижий муаллифлар томонидан таклиф қилинган “форензик” тушунчасининг таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

“Форензик” тушунчасининг таҳлили[1]

Муаллиф	Таъриф	Тушунчани таҳлил қилиш
Bolgana ва Robert 1985 йил (Вебстр луғатида) [9]	Илмий билимларни ҳуқуқий муаммоларга татбиқ этиш ёки судда фойдаланишга оид ёки судьялар ёки оммавий муҳокамалар ва мунозараларда фойдаланишдир	Мазкур таъриф фақатгина сўзнинг маъносидан келиб чиқиб берилган ҳамда мазкур тушунчанинг тўлиқ мазмунини бермайди.
Булыга Р.П., Мохамад Б. [26]	Форензик (кенг маънода) - бу томонлар ўртасида молиявий, тижорат, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича ходимларнинг ёки умуман ташкилотнинг ҳаракатлари ёки бошқа қоидалар, принциплар ва стандартлар билан келишмовчиликлар, муҳим иқтисодий хавфлар мавжуд бўлган вазиятларни аниқлаш,	Муаллифлар томонидан берилган таъриф форензикни турли томонлардан кўриб чиқади: -низоларни ҳал қилиш фаолияти сифатида; -юқори хавфли операцияларни таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш бўйича фаолият

[1] Форензик тушунчасига доир таҳлилий маълумотлар асосида тайёрланган.

	таҳлил қилиш ва ҳал қилишга қаратилган фаолият. Форензик - компаниянинг топ-менежерлари устидан шу компаниянинг эгалари, акциядорлари ёки кузатув кенгаши аъзолари ташаббуси билан олиб бориладиган мустақил иқтисодий текширув.	сифатида; -ташкилот ва алоҳида ходимларнинг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга зид бўлган ҳаракатларини кўриб чиқадиган ва таҳлил қиладиган фаолият сифатида; -компаниянинг юқори раҳбариятининг ҳаракатларини текшириш сифатида. Таърифда хизмат кўрсатиш ташаббускорлари - мулкдорлар, акциядорлар, кузатув кенгаши аъзолари ҳам тўғри кўрсатилган. Муаллифлар томонидан эътиборга олинмайдиган ягона жиҳат шундаки, форензикнинг асосий йўналиши фирибгарлик фаолиятининг барча турларини аниқлашдир.
Дорджиева З. Д. [28]	Форензик - бу ёлғон ҳаракатлар натижасида юзага келадиган молиявий рискларни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган мустақил молиявий текширув. Форензик- бу компаниядаги фирибгарлик фаолиятини аниқлаш ва олдини олиш воситаси.	Таъриф фақат молиявий рискларни назарда тутади, форензик эса нафақат молиявий, балки ҳуқуқий, тижорат ва бошқа рисклар билан ҳам шуғулланади. Таърифда шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташаббускори (буюртмачиси) кимлигини аниқлаб бўлмайди.
Злобова Е.Г. и Швырева О.И. [29]	Форензик - бу муҳим иқтисодий рискларни ўз ичига олган масалалар бўйича томонлар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳал қилишга қаратилган фаолият.	Таърифда форензикнинг асосий йўналиши юқори рискли операциялар эканлиги тўғри кўрсатилган, аммо унда асосий мақсад иқтисодий фирибгарлик фактларини аниқлаш эканлиги ва бу хизматдан фойдаланувчилар ҳақида келтирилмаган.
Суйц В.П., Хорин А.Н.,Козельцева Е.А. [31]	Форензик - бу аудиторлик, консалтинг ва бошқа ихтисослашган компаниялар томонидан турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги компанияларнинг эгалари, директорлар кенгашлари учун кўрсатиладиган мустақил ташаббус тарзидаги хизматлар тўплами.	Муаллифлар томонидан берилган таъриф форензикнинг асосий мақсадини акс эттирмайди: фирибгарликни аниқлаш ва юқори рискли операцияларни кўриб чиқиш. Лекин хизматдан фойдаланувчилар форензик турли хизматларнинг комбинацияси ҳисобланиши тўғри белгиланган.
Федорова С.Н. [32]	Форензик - бу ташкилот учун фирибгарликни ёритиш ва рискларни аниқлаш учун раҳбарлар, инвесторлар ва акциядорларнинг таклифига биноан ўтказиладиган мутахассисларни текшириш шакли.	Муаллиф томонидан берилган таъриф форензикнинг моҳиятини акс эттиради, унинг йўналиши ва хизмат ташаббускорларини тўғри белгилайди. Таърифда ўз аксини топмаган ягона нарса - бу форензикнинг баҳсли масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги.
Чирва Е.В. [33]	Форензик - бу компания эгалари ва директорлар кенгаши томонидан унинг менежерларига қарши бошланган мустақил иқтисодий тергов.	Таъриф форензик хизматининг моҳиятини очиб бермайди: хизматнинг мақсади нима, хизмат нимага қаратилганлиги, ушбу соҳада қандай мутахассислар шуғулланаётгани аниқ эмас.
Chew B. L. [11]	Форензик деганда жиноятларни тергов қилишда илмий усулларни қўллаш тушунилади. Форензик квази-илмий[2] хусусиятга эга.	Муаллиф кўриб чиқилаётган тушунчанинг аниқ таърифини бермаган. Мақолада форензикнинг фақат баъзи фарқловчи жиҳатлари ва

[2]Quasi-scientific ғоялар - бу аниқ фанга ўхшаш, аммо ҳеч қандай ҳақиқий далиллар билан тасдиқланмаган ғоялар.

	Форензик ҳуқуқ, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, аудит ва назоратни бирлаштиради. Форензикдан аудиторлик текширувининг асосий фарқи шундаки, аудитда улар ишлаб чиқилган режа асосида ҳаракат қиладилар, форензик давомида эса мутахассислар ҳар сафар янги вазифаларга дуч келишади.	хусусиятлари келтирилган. Шуни таъкидлаш керакки, Chew B.L форензикнинг квази-илмий ҳақида гапирган биринчи муаллифдир.
Enofe A.O., Omagbon P. ва Ehigiator F.I. [14]	Форензик - бу фирибгарликни аниқлаш, олдини олиш ва камайтириш учун бухгалтерия ҳисоби, “тергов” аудити, суд экспертизаси, суд хизматлари ва молиявий кўникмаларни умумлаштирадиган ва бирлаштирадиган фаолиятдир.	Таъриф форензикнинг асосий мақсадига тўғри ишора қилингани бу фирибгарликни аниқлашдир, лекин хизматнинг бошқа йўналиши - муҳим иқтисодий рискларни ўз ичига олган операцияларни аниқлаш ва текшириш ҳақида айтилмаган, шунингдек, форензик кимнинг ташаббуси билан амалга оширилиши аниқланмаган.
Rehman A., Hashim F. [21]	Форензик – бу белгиланган сиёсий, ижтимоий параметрлар ва аниқ белгиланган ҳуқуқий юрисдикциялар доирасида ҳуқуқ, аудит, бухгалтерия ҳисоби, молия, иқтисод, психология, социология ва криминология соҳаларидаги назариялар, усуллар ва тартибларга асосланган фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва молиявий даъволарни (хоҳ бизнес ёки шахсий) кўриб чиқадиган ва даъво қиладиган кўп тармоқли соҳадир.	Таъриф янги фаолият йўналиши - форензикнинг моҳиятини тўғри акс эттиради. Тушунчадан хизматнинг йўналиши, унинг асосидаги тартиб ва усуллар аниқ белгиланган. Аммо таклиф қилинган таърифда хизмат ташаббускори (буюртмачиси) ҳақида, шунингдек, кўриб чиқилаётган даъволар компания учун юқори иқтисодий рискга эга бўлиши кераклиги ҳақида айтилмаган.
Vukadinovic P., Damnjanovic A. [23]	Форензик - бу аудит билан боғлиқ ихтисослаштирилган фаолият бўлиб, унинг асосий мақсади ихтисослаштирилган ёндашув ва методологиядан фойдаланган ҳолда фирибгарликни аниқлашдир. Муаллифлар форензик хизматларнинг комбинацияси деган ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Кенгроқ ролга эга бўлган форензик, аудиторлик ва суд-бухгалтерия экспертизаси фарқланади.	Таъриф форензик ва аудит ўртасидаги боғлиқликка қаратилган. Хизматнинг мақсади тўғри белгиланган, аммо форензикнинг буюртмачиси ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.
Шкляева Н. А., Городилов М. А. [27]	Форензик (forensic/forensic accounting/financial investigation) - бу, қоида тариқасида, компания эгалари ёки директорлар кенгаши томонидан бошланган молиявий фирибгарликнинг барча турларига қарши курашишга қаратилган низоларни текшириш, таҳлил қилиш, ҳал қилиш ва тартибларни ишлаб чиқиш бўйича мустақил фаолият; тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда муҳим иқтисодий риск туғдирадиган молиявий, ҳуқуқий, тижорат масалаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган ва ташкилотлар ва (ёки) ташкилотлар ходимларининг қонунлар, қоидалар, стандартлар ва бошқа принципларга мос келмайдиган ҳаракатларини аниқлашга қаратилган хизмат.	Форензик таърифига имкон қадар тўлиқроқ таъриф беришга ҳаракат қилинган, аммо таъриф жуда кенг ҳамда форензик фаолият ёки хизмат эканини аниқлаш қийин.

Жадвалда келтирилган тушунчанинг таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, Р.П. Булыга, Б. Мохамад, С.Н. Федорова ва Н.А Шкляева, М.А. Городиловлар ўз ишларида янги хизматнинг энг тўлиқроқ таърифини беришга ҳаракат қилганлар. Муаллифлар янги

хизматнинг асосий моҳиятини очиб беришган бўлсада, лекин бошқа жиҳатларини ҳисобга олишмаган.

Қўшимча равишда шуни таъкидлаш мумкинки, аксарият муаллифлар ўз таърифларида форензик доирасида раҳбарият, ходимлар ва умуман корхона фаолиятининг норматив ҳужжатларга мувофиқлиги ҳам кўриб чиқилишини ҳисобга олмаганлар. Кўриб чиқилган таърифларда буни A.Rehman, F.Hashim ва Р.П. Булыга, Б.Мохамад каби муаллифлар таърифларида кўриш мумкин.

Муаллифларнинг форензикга ёндашувларини таҳлил қилганда, форензик квази-илмий ҳақида сўзловчи B.L. Chew томонидан берилган таъриф қизиқиш уйғотади, аммо муаллиф кейинги ишларида бу мавзуни такомиллаштирмайди, шунинг учун у квази-илмий характер ҳақида гапирганда нимани назарда тутагани аниқ эмас.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда ҳамда имкон қадар форензик тушунчасида барча жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ўз таърифларимизни беришимиз мумкин: **форензик** ***- бу текшириш, таҳлил қилиш, низоларни ҳал қилиш ва молиявий фирибгарлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барча турларига ким ва қаердан содир этилишига қарамасдан қарши курашиш бўйича тартибларни ишлаб чиқишга қаратилган фаолият.***

Форензик аудитор ***- бу жиноий ёки фуқаролик низолари бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқий масалаларда фирибгарлик ва жиноятларни аниқлаш учун илмий билимлардан фойдаланадиган ва қўллайдиган молиявий экспертлар.***

Натижалар

Форензик ҳам назоратнинг бир шаклидир. Форензикни ўтказишда аудит ва суд-бухгалтерия хизматларига хос бўлган усуллар қўлланилади, шунинг учун баъзи муаллифлар форензик аудит ёки суд экспертизасининг бир қисми деб ҳисоблашади. Форензикни бошқа хизматнинг бир қисми сифатида кўриб чиқиш нотўғри, чунки форензик уни бошқа назорат шаклларидан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларга эга (2-жадвал).

2-жадвал.


Форензик, аудит, тафтиш ва экспертизанинг қиёсий хусусиятлари[3]

Белгилар	Форензик	Аудит	Тафтиш	Экспертиза
Мақсад	Фирибгарлик таҳдидларини аниқлаш ва (ёки) айбдор шахсни аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик факти бўйича далилларни тўплаш	Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ҳақида мустақил фикр билдириш	Ташкилотнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бошқарув органи томонидан белгиланади	Экспертизани тайинлаган орган (суд, суриштирув ёки тергов органи) томонидан белгиланади.
Даврийлик	Қачонки зарурат пайдо бўлса	Мажбурий аудитда - мунтазам равишда, бошқа ҳолатда – зуруратга қараб	Мунтазам равишда	Зарурат бўлса
Фаолиятни амалга оширувчи мутахассислар	Аудиторлар, баҳоловчилар, юристлар, экспертлар	Аудиторлар ва аудитга жалб қилиниши мумкин бўлган бошқа экспертлар	Назорат қилувчи органлар	Мутахассислар
Хизмат кўрсатувчи компания билан муносабатларнинг хусусияти	Қарама-қаршилик муносабатлари, чунки мақсад айбни тасдиқлаш ва айбдорни қидиришдир	Вертикал (маъмурий)	Вертикал (маъмурий)	Вертикал (маъмурий)

[3] Форензик билан боғлиқ тушунчаларга доир таҳлилий маълумотлар асосида тайёрланган.

Норматив-ҳуқуқий тартибга солиш	Форензикга кирувчи соҳаларни давлат, профессионал, жамоатчилик томонидан тартибга солиш	Юридик ва профессионал	Ички тартиб қоидалари	Давлат томонидан тартибга солиш
Фаолият тури	Тадбиркорлик фаолияти (пуллик хизматлар учун тузилган шартномага мувофиқ)	Тадбиркорлик (пуллик хизматлар учун тузилган шартномага мувофиқ)	Маъмурий ҳужжат асосидаги фаолият (камдан-кам ҳолларда - хизмат кўрсатиш шартномаси асосида)	Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор, ажрим асосидаги фаолият
Молиялаштириш манбаи	Мижозларга хизмат кўрсатиш	Мижозларга хизмат кўрсатиш	Бош ташкилот, давлат органлари	Буюртмачи томони, давлат
Кўрсатилган хизмат натижаларидан фойдаланувчилар	Тўлиқ махфийлик шартлари бўйича хизматга мурожаат қилган (буюртмачилар) шахслар	Манфаатдор фойдаланувчилар (ташқи ва ички)	Чекланган доирадаги шахслар ички қоидалар билан белгиланади	Манфаатдор фойдаланувчилар (ташқи ва ички))
Иш услубиёти	Фирибгарлик билан боғлиқ ҳар бир молиявий операция учун ишлаб чиқилади	Ҳар бир текшириш учун режалаштириш босқичида ишлаб чиқилади	Жараённи тартибга солувчи кўрсатмалар ишлаб чиқилади	Экспертиза мақсадига асосланиб, режалаштириш босқичида ишлаб чиқилади
Судда вакиллик қилиш	Форензик билан шуғулланувчи шахс, одатда, ҳар доим судда эксперт сифатида иштирок этиши шарт	Агар зарурат бўлса аудитор судда гувоҳлик бериши мумкин	Тафтишни олиб борадиган мутахассис, агар зарурат бўлса, судга гувоҳлик бериши мумкин	Зарурат бўлса, эксперт судда гувоҳлик бериши мумкин
Ҳисобот шакли	Фирибгарлик айблови элементларини ўз ичига олган ва ҳар қандай белгиланган ижтимоий меъёрларни қондириш учун мўлжалланган махсус ҳисобот.	Аудиторлик хулосаси аудитнинг халқаро стандартлари ёки бошқа норматив талаблар билан белгиланади	Актнинг шакли юқори даражада белгиланади	Белгиланган ҳисобот шакли
Фирибгарликни аниқлаш	Мижознинг (буюртмачининг) мурожаатлари натижасида фирибгарлик далилларини аниқлаш учун ташкилот фаолиятини мақсадли ўрганиш	Аудитни ўтказиш жараёнида (ёрдамчи функция сифатида)	Тафтиш жараёнида фирибгарликнинг факти аниқланиши мумкин (ёрдамчи функция сифатида)	Экспертиза жараёнида фирибгарликнинг факти аниқланиши мумкин (ёрдамчи функция сифатида)

2-жадвалдан кўриниб турибдики, хизматларнинг буюртмачиси томонидан форензик фаолият тури, молиялаштириш манбаси каби белгилари бошқа хизматларга ўхшайди, аммо мақсади, иш услубиёти, судда вакиллик қилиш ушбу хизматлардан фарқ қилади ва фақат форензик учун ўзига хос белги ҳисобланади. Шу муносабат билан форензик эксперт хизматлари доирасидаги мустақил хизмат сифатида қаралиши керак (1-расм).



1-расм. Форензик алоҳида мустақил хизмат

2-жадвалдан кўриниб турибдики, баъзи белгиларда аудит билан ўхшашлик мавжуд, аммо энг муҳим фарқ - бу хизматларнинг мақсади. Аудит хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари, молиявий натижаларининг ишончлилигини текшириш мақсадида ўтказилади. Шу муносабат билан форензик маслаҳат хизматлари доирасида алоҳида кўриб чиқилиши керак. Форензик хизматларини таклиф қилувчи компаниялар ўз ишларида бошқа соҳалар қоидаларидан фойдаланадилар, айниқса ушбу хизматнинг ўзига хос хусусиятлари буни амалга оширишга имкон беради. Айтайлик, форензик хизматларини кўрсатувчи компания молиявий ҳисоботларни сохталаштиришга йўл қўйган айбдор шахсни аниқлаш учун шартнома тузадиган бўлса, далиллар базасини тўплаш учун бухгалтерия ҳисоби қоидалари, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни каби меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш керак бўлади.

Форензик аудитнинг асосий мақсади молиявий ва ҳисобот ҳодисаларининг далилларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишдир. Қоидаларга асосланган ва бир ҳодисага асосланган анъанавий аудитдан фарқли ўлароқ, форензик аудит аудиторлик хулосасини бериш мақсадида ўтказилмайди. Демак, форензик аудити принципиал муҳитда амалга оширилади.

Форнезик аудит бухгалтерия ҳисоби, суриштирув аудити, криминология ва суд ишларини юритиш хизматларининг интеграциясидан келиб чиқади. Форензик бухгалтер қисман терговчи, қисман адвокат, қисман аудитор ва қисман психолог ҳамда скептик деган хулосага келишган [12, 14, 22,]. Демак, **форензик аудит** бухгалтерия ҳисоби, тергов, криминалистика ва суд ишларини юритиш кўникмаларини асосий ҳисобот ҳодисаси далилларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш мақсадида қўллашдир.

3-жадвал

Форензик аудит ва молиявий аудитнинг фарқлари[4]

Форензик аудит	Молиявий аудит
Форензик аудитори ташкилот томонидан айбловларни ҳал қилиш ва ташкилотда гумон қилинган ёки кўзда тутилган фирибгарлик фаолиятини аниқлаш ёки олдини олиш учун фаолият кўрсатади ёки тайинланади. Форензик аудитор сохта молиявий масалалар бўйича даъволарни суд орқали ҳал қилиш учун суриштирув олиб борадилар. Шундай қилиб, бу одатий тарзидаги аудит эмас, балки ўз вазифасини бажаришда аудит процедуралари ва бухгалтерия принципларига риоя қилиши ёки қилмаслиги мумкин бўлган аудитдир. Zimbleman таъкидлашича, бундай аудит одатдаги аудит процедураларидан ташқарига чиқадиган проактив аудитдир [24].	Молиявий аудитор ёки мажбурий аудитор одатда мажбурий аудитни амалга ошириш учун тайинланади. Молиявий аудит одатда мажбурий талабларни бажариш ва тайёрланган/юритилаётган ҳисоб тизимини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш учун амалга оширилади. Millichamp таъкидлаганидек, мажбурий аудит молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлайдиган мажбурий аудитдир [17]. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мажбурий аудитор процессуал аудитдан ташқарига чиқиши ёки чиқмаслиги мумкин, чунки у қонунчилик бўйича фирибгарликни топишга мажбур эмас, балки аудит функциясини бажаришда фирибгарлик аниқланса, у буни очиб бериши керак бўлади.

[4] Форензик ва молиявий аудит ўртасидаги фарқларга доир маълумотлар асосида тайёрланган.

Форензик аудит аниқ айбловларга қаратилган – форензик аудиторлар аниқ айбловлар бўйича текшириш олиб борадилар. Шунинг учун у низо юзага келган тақдирда судда далил сифатида фойдаланишга урғу бериб, фирибгарлик бўлган махсус молиявий муаммони текшириш ва таҳлил қилиш учун кўп вақтга ажратади (Albrecht)[7].	Молиявий аудитор томонидан ўтказиладиган молиявий аудит умумий хусусиятга эга. Молиявий аудит умумий молиявий масалалар бўйича амалга оширилади (яъни аудитор бухгалтерия ҳисобига тааллуқли барча масалаларни кўриб чиқади).
Форензик аудитор тушунтиришлар ва ҳужжатларни юзаки қиймати бўйича қабул қилиши мумкин эмас. (Cabole) [10]. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, форензик аудитор ҳар доим одатдаги аудитдан ташқарига чиқиши ва форензик аудитори тайинлаган шахсга хабар қилиниши керак бўлган фирибгарликни қидириши ёки судларда эксперт далил сифатида қатнашиши мумкин.	Молиявий аудиторлар одатда ҳужжатлар ва тушунтиришларга чуқурроқ кирмайдилар -бу шуни англатадики, молиявий аудитор одатда молиявий ҳужжатлар ва тушунтиришларни батафсил таҳлилий ўрганишни амалга оширмайди, балки раҳбарият ва уларнинг ходимлари томонидан тузилган ҳисоблар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилади.

Форензик – бу турли соҳалардаги билимларни бирлаштирган хизматдир: бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит, молия, суд экспертизаси, информатика, дастурлаш, социология, психология, ҳуқуқ ва бошқалар. Шу ўринда, **суд бухгалтерия экспертизияси** ҳам алоҳида иқтисодий соҳадаги фаолият бўлиб, бу - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар объекти бўлган хўжалик фаолиятидаги низоли ҳолатларини тиклаш ва келгусида такрорланмаслик учун огохлантириш мақсада иқтисодий изланишлар олиб боришга айтилади [35].

Мунозара

Юқорида келтириб ўтилганидек, бир қатор муаллифлар форензикни аудит, экспертиза ёки бошқа хизматлар соҳаларидан бири деб ҳисоблашади. Бунинг сабаби форензик доирасидаги фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги ҳисобланади. “Катта тўртлик” компаниялари томонидан хизматлар кўрсатиш амалиётига асосланиб, тартибга солиш тизимини ривожлантиришнинг ушбу босқичида форензик бошқа соҳаларнинг тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади деган хулосага келиш мумкин, масалан:

-бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404 Қонуни, БҲМС, МҲХС ва бошқалар [2, 34]);

-аудиторлик фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонуни, Аудитнинг халқаро стандартлари, Аудиторларнинг профессионал одоб-ахлоқ кодекси ва бошқалар[3, 16, 34]);

- суд экспертиза фаолияти соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги ЎРҚ-249-сон “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 704-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 22 ноябрдаги 706-сон “Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2011 йил 5 январдаги 5-сон “Давлат суд-экспертиза

муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари [1, 6, 34];

- Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган бошқа меъёрий ҳужжатлар (Солиқ кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқалар [34].

Шундай қилиб, форензикни тартибга солиш бир нечта соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун уни фақат экспертиза, тафтиш ёки аудитнинг бир қисми сифатида кўриб чиқиш тўғри бўлмайди.

Форензикнинг жаҳон миқёсида ривожланиши ва унинг мустақил хизмат сифатида белгиланиши тартибга солиш функциясини бажарадиган халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Энг йирик ташкилотлардан бири 1988 йилда Шимолий Америкада иқтисодий жиноятларни камайтириш ва фирибгарликни аниқлашга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган Сертификатланган фирибгарлик текширувчилари ассоциацияси (Association of Certified Fraud Examiners, ACFE) ҳисобланади. ACFE дунёнинг 150 та мамлакатидан 75 000 га яқин аъзоларга эга. Ассоциация фирибгарликка қарши курашиш учун кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида етакчи ҳисобланади [8].

ACFE фирибгарликка қарши курашувчи ягона ташкилот эмас, бошқа қатор ташкилотлар ва ассоциациялар ҳам мавжуд. Энг машҳурлари орасида:

- Молиявий жиноятларни аниқлаш бўйича сертификатланган мутахассислар ассоциацияси (ACFCS);
- Пулни ноқонуний ўзлаштиришга қарши кураш бўйича сертификатланган мутахассислар ассоциацияси (ACAMS);
- Форензик соҳасида самарадорликни ошириш иттифоқи (IFA Alliance);
- Форензик соҳасида тафтишчилар америка коллежи (ACFEI);
- Молиявий терговчилар сертификатланган мутахассислар ассоциацияси (ACFI);
- бошқалар [31].

Мазкур ташкилотлар ACFE каби кенг кўламли эмас ва кўпинча фақат маълум бир мамлакат ҳудудида форензик ўтказиш тартибини назорат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, форензик - бу жиддий иқтисодий рискли низоларни таҳлил қилиш, ҳал қилиш, молиявий фирибгарликнинг барча турларига қарши курашиш ва ходимлар ёки ташкилотларнинг компания эгалари ёки директорлар кенгаши томонидан қоидаларга риоя қилмайдиган ҳаракатларини аниқлашга қаратилган тартибларни ишлаб чиқиш бўйича мустақил фаолият. Форензик бошқа эксперт-таҳлилий ва аудиторлик хизматларидан фарқ қилувчи мустақил хизматдир. Форензик ривожланишининг ушбу босқичида у ўзига хос тартибга соладиган меъёрлар тизимига эга эмас, шунинг учун Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий база сифатида форензик билан боғлиқ соҳалардаги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қўлланилади.

Форензик ҳисобни такомиллаштириш мақсадида, бугунги кундаги суд-бухгалетрия экспертизасини форензик ҳисобга ўтказиш ва унинг назарий методологик асосларини қайта кўриб чиқиш ҳам заруратдир. Жумладан тегишли Олий таълим муассасаларда ўқитилаётган **Суд-бухгалетрия экспертизаси** фанини **Форензик ҳисобга** ўзгартириш давр талаби ҳисобланади.

Форензик аудит эса ҳуқуқий ёки молиявий низолар ва молиявий қонунбузарликлар, шу жумладан фирибгарлик ва профилактик маслаҳатлар соҳасида муҳим фактлар ва/ёки далилларни олиш учун маълумотларни тўплаш, текшириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва

ҳисобот беришдан иборат фаолиятдир. **Форензик аудитор** - *бу жиноий ёки фуқаролик низолари бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқий масалаларда фирибгарлик ва жиноятларни аниқлаш учун илмий билимлардан фойдаланадиган ва қўллайдиган молиявий экспертлар*.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон Қонуни, бир қатор қонун ости норматив-меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда аудиторлик фаолиятининг (халқаро) стандартлари (АХС) билан тартибга солинади ҳамда амалга оширилади. Мазкур Қонунга мувофиқ **аудиторлик текшируви** хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади.

Аудиторлик ташкилотлари **молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш** ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш, иқтисодий, молиявий маслаҳат ва бошқарувга оид маслаҳат бериш каби **турдош хизматларни** кўрсатиши мумкин [3].

Шунингдек, 240-сонли "Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик бўйича аудиторнинг жавобгарлиги" ва бошқа АХСларга мувофиқ аудиторлик ташкилотлари бугунги кунда форензик хизматини кўрсатиши ёки форензик эксперт ишидан фойдалиниши мумкин [16].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, форензикнинг турли соҳаларни (бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит, молия, суд экспертизаси, тергов, криминология, информатика, дастурлаш, социология, психология, ҳуқуқ ва бошқалар.) бирлаштирадиган, иқтисодий (молиявий) фирибгарликларни аниқлаш ва уни баҳолашга қаратилган хизмат эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ҳам **Форензик аудиторлик хизматлари институтини** очиш таклиф этилади. Мазкур институт форензик фаолиятни аудиторлик фаолиятидан ажратиш, турли соҳадаги масалаларни форензик таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулоса тақдим этиш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Суд экспертизаси тўғрисида", 2010 йил 1 июнь, № ЎРҚ- 249 сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. https://president.uz/uz/lists/view/3324

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ- 6256-сон "Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони.

7. Albrecht, C.C. and Albrecht, C.O. (2009), "Data driven fraud detection using detectless", Journal of forensic and Investigation accounting vol.1 No.1, pp. 1-24.

8. Association of Certified Fraud Examiners. URL: http://www.acfe.com/.

9. Bolgana, G. J. and Robert, J. L. (1985), Fraud Auditing and forensic Accounting, John Willey and Sons, New York, NY.

10. Cabole, N. (2009), Forensic Accounting: A paper presented in the Hilton Hotel Lagos, 2nd June, 2009.

11. Chew B. L. and ed. Forensic Accounting and Finance: Principles and Practice //Kogan Page Publishers. 2017. 288 p.

12. Dada, S. O., Owolabi, S. A., & Okwu, A. T. (2013). Forensic accounting a panacea to alleviation of fraudulent practices in Nigeria. International Journal Business, Management and Economic Research, 4(5), 787-792.

13. Dreyer K. A History of Forensic Accounting // Honors Projects. 2014. 296 p.

14. Enofe A. O., Omagbon P. and Ehigiator F. I. Forensic audit and corporate fraud //IIARD International Journal of Economics and Business Management. 2015. no. 1 (7). pp. 27–34.

15. Forensic & Business solutions. URL: http://forensic.su/.

16. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2020.

17. Millichamp, A.H (1990), Auditing an Instructional Manual for Accounting Students 4th edition DP Publications, London

18. Mojsoska S., Dujovski N. Recognizing of Forensic Accounting and Forensic Audit in the Southeastern European Countries // Journal of Eastern European criminal law (2). 2015. pp. 212-224.

19. Njanike, K., Dube, T., & Mashayanye, E. (2009). The effectiveness of forensic auditing in detecting, investigating, and preventing bank frauds. Journal of Sustainable Development in Africa, 10(4), 405-425.

20. PricewaterhouseCoopers компаниясининг расмий сайти. Жаҳон иқтисодий жиноятлар тадқиқоти 2022 й. URL: https://www.pwc.com/gx/en/forensics/gecsm-2022/pdf/PwC%E2%80%99s-Global-Economic-Crime-and-Fraud-Survey-2022.pdf.

21. Rehman A., Hashim F. Forensic Accounting on Corporate Governance Maturity mediated by Internal Audit: A Conceptual Overview // Advances in Economics, Business and Management Research. 2018. T. 46. pp. 161-168.

22. Singleton, T.W. and Singleton, A.J. (2004), Fraud Auditing and Forensic Accounting the 4th edition John Wiley and sons Inc New Jersey U.S.A.

23. Vukadinović P., Damnjanović A., Forenzička revizija: potreba ili izbor? //Revizor. 2016. no. 73. pp. 53–69.

24. Zimbleman, M. F., Albrecht, C.C., Albrecht, S.W. and Albreeht, C.O. (2012), Forensic Accounting, Cengage Learning International, Canada, 4th Edition pp 429

25. Баракаев О.О. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит: назария, методология ва амалиёт: Илмий монография. – Т.: "Chinor fayzi baland", 2021, – 288 б.

26. Булыга Р.П., Мохамад Б. Роль аудиторской профессии в борьбе против финансовых преступлений и финансирование терроризма //Наука через призму времени. 2017. С. 30-37.

27. Городилов М.А., Шкляева Н.А. Форензик как разновидность экспертно-аналитической и аудиторской деятельности //Аудиторские ведомости. Москва. 2018. С. 12–19.

28. Дорджиева З.Д. Становление и развитие форензик экспертизы как услуги //Учет, аудит и налогообложение в обеспечении экономической безопасности предприятий. 2018. С. 157-161.

29. Злобова Е.Г., Швырева О.И. Технология форензик: аналитические процедуры проверки доходов и расходов //Проблемы и перспективы развития экономического контроля и аудита в России. 2016. С. 61–69.

30. Кеворкова Ж.А. Эволюция развития судебно-бухгалтерской экспертизы в России как специальной отрасли экономических знаний //Учет. Анализ. Аудит. 2018. Т. 5. № 2. С. 80-89.

31. Суйц В.П., Хорин А.Н., Козельцева Е.А. Услуга форензик: профессиональное обучение и регулирование в зарубежных странах //Аудит и финансовый анализ. 2015. № 2. С. 74–83.

32. Федорова С.Н. Форензик как отдельный вид экспертного исследования в экономике //Известия Юго-Западного государственного университета. 2017. Т. 21. № 6(75). С.143-149.

33. Чирва Е.В. Услуга форензик как эффективный инструмент предотвращения и уменьшения рисков мошенничества //Актуальные проблемы современной экономической науки. 2016. С. 308-310.

34. https://lex.uz

35. Яхшибоев Ғ. Қ., Ташманов Ғ. Д., Суд бухгалтериянинг услубий асослари, ўқув қўлланма, 06.2008 йил, ТДЮИ босмахонаси.